

# Оминни жаҳрий айтиш ҳақида

05:00 / 09.01.2017 6501

## Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим

Аллоҳга ҳамд, Набиййимзга салавотлар бўлсин!

Ва баъд:

Эслатма доимо мўъминга манфаат келтиради. Айрим ўринларда мазҳабсизлик ҳақида бонг ураётган янги жўжахўрозларга кўзимиз тушиб қолмоқда. Уларнинг гапига қулоқ солсангиз, гўё мазҳаб оят ва ҳадислардан йироқ йўлмиш. Мазҳабсизлар эса фақат оят ва ҳадисга эргашармиш! Улар яна эски гапларни қўзғашиб, илмий исботини топган асосларни қайтадан оёқлари остига олишмоқда. Ўша масалалардан бири “Омин”ни жаҳрий айтиш масаласидир. Бир сафсатабознинг шундай гапларини эшитиб қолдим: “”Омин”ни жаҳрий айтиш Бухорийнинг “Саҳиҳ”ида келган. Имом Аъзам эса: “Агар ҳадис саҳиҳ бўлса ўша менинг мазҳабимдир”, деган. Шундай экан биз ҳадисга амал қилсак ва “Омин”ни жаҳрий айтсак, демак ҳанафий мазҳабига ҳам шу ўринда амал қилган бўламиз!”

Гапни қаранг!

Бу гапдан бир қанча натижалар юзага чиқади:

- 1. Бу гапни айтаётган киши ўта савиясиз кишидир;
- 2. Бу гап билан гўё Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ ва у кишининг шогирдлари Бухорийнинг ҳадисини кўришмагану, калласи катта қаҳрамонимиз ушбу ҳадисни топиб олганлар ва юқоридаги кашфиётни қилганлар;
- 3. Аслида Абу Ҳанифа ва бошқа барча мужтаҳидларимиз (раҳимаҳумуллоҳ) ушбу: “Агар ҳадис саҳиҳ бўлса ўша менинг мазҳабимдир”, деган жумлани айтишган. Фақат бу гапга амал қилиш учун топилган саҳиҳ ҳадисларнинг атрофлича ўрганиб чиқиш ва ўша ҳадисларга мужтаҳидларимиз нима дейишганини батафсил билиш лозим бўлади. Аммо бизнинг қаҳрамонимиз эса бу каби илмий баҳслар чоғида эснаб, ухлаб қоладилар. Кейин мантиқий тушунчаларини ваҳий дея қабул қилиб, матнларга амал қилишни даъво этадилар!

- 4. Сиз бир саҳиҳ ҳадис топсангиз ва у ҳадиснинг мужтаҳидларга етиб бормаганини исботласангиз шундай вазиятда ҳадисга амал қилишингиз вожиб бўлади. Мужтаҳидларимизнинг гаплари шунга далолат қилади. Аммо ўша ҳадисни мужтаҳидга етиб бормаганини исботлаш учун эса жуда қийин машаққатли йўлни босиб ўтиш лозим! Калласи катта аммо ақли калта қаҳрамонимиз бу йўлга чиқиш уёқда турсин, уни эшитиши билан тутқаноғи тутиб, оғзидан кўпиғи чиқиб кетади.

Мен шу ўринда гапни кўпайтирмай намозда “Омин”ни айтишга оид бир илмий баҳсни ўқувчилар эътиборига ҳавола қилсам. Мужтаҳидларимизнинг хизматлари нақадар таҳсинга лойиқ эканини ўзлари кўришса. Шу билан бирга калласи катта, ақли калталарнинг нақадар савиясизлик ботқоғида қолиб кетишганини ҳам кўриб қўйишса. Тавфиқ Аллоҳдандир!

Бу баҳс Абдулваҳҳоб Машҳадонийнинг «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг Ҳанафий мазҳаби ижтиҳоди ёғдусига кўра кайфияти» номли китобдан олинди.

## **11-Матн:**

**“Фотиҳа”ни ўқигандан сўнг махфий ҳолда “Омин” дердилар.**

## **11-Матннинг далиллари:**

إِذَا قُلْتُمْ سُورَةَ الْجَلِيلِ لِتَدْعُوا بِهَا لَوْ سَرَرْنَا لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ أَوْ لَوْ وَقَفْتُمْ : أُولَئِكَ الَّذِينَ يُرِيدُونَ الْإِخْلَاقَ الْإِسْلَامِيَّةَ .

1. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Қачон имом: “Ғойрил мағздууби алайҳим ва лазддооооллиин”, деса: “Аамийн”, денглар. Чунки кимнинг сўзи фаришталар сўзи билан мувофиқ келиб қолса, унинг ўтган гуноҳлари мағфират қилинади”**, дедилар”. Бухорий ривояти. 1/190. Имомга эргашувчи “Омин”ни жаҳрий айтиши ҳақидаги боб.

Ушбу ҳадисдан имом “Омин”ни жаҳрий айтмаслиги истифода қилинади. Чунки агар имомнинг “Омин”ни жаҳрий айтиши маршруъ бўлганида эди, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам имомга иқтидо қилувчилар учун “Омин”ни **“ва лазддооооллиин”**дан кейин айтишларини таъкидламас эдилар, балки имомнинг “Омин” дейишини эшитиб айтишга буюрардилар.

Жаҳрий айтишни қувватловчилар шундай дейишади:

Имом Бухорий ривоят қилган қуйидаги ҳадисда “Омин”ни жаҳрий айтишга далолат бор.

«أَوْ نَمِّ أُمَّ إِبْرَاهِيمَ إِذْ قَالَ: «لَا تَقُولُوا هَذَا مِنْ جَدِّكُمْ إِنَّهُ نَعِيَ بَابِ نَعَى، وَبَنَدْنَمَ مَدَّقَتِ أُمَّةٌ لَرَفْعَةِ كَيْئَالِ مَنِيْمَاتٍ هُنَّ مَاتَ قَفَاؤُنَّ هُنَّ إِفْ».

“Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Қачон имом “Омин” деса сизлар ҳам “Омин” денглар. Чунки кимнинг сўзи фаришталар сўзи билан мувофиқ келиб қолса, унинг ўтган гуноҳлари мағфират қилинади”,** дедилар”. Бухорий ривояти.

Бу ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам иқтидо қилувчилар “Омин”ни имомнинг “Омин”ига қўшиб айтишларини айтмоқдалар. Бу эса орқадагилар имомнинг “Омин”ини эшитганликларига далолат қилади”.

Бунга биз қуйидагича жавоб берамиз:

“Аслида жумҳур уламолар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу ҳадисдаги: **“Қачон имом “Омин” деса...”**, деган сўзларини мажозга ҳамл қилишади. Бу билан юқоридаги ҳадисни жамлаганлар эса: “Имом **“ва лазддооооллийн”**ни айтгач, “Омин”ни ирода қилса, деб тушунамиз”, дейишган. Бу Аллоҳ таолонинг “Моида” сураси 6-оятида:

...ةَالصَّلَاةِ إِذْ يُتْلَىٰ أُولَٰئِكَ يُسْمِعُ الْغَايِبِينَ...

**“...қачон намозга турсанглар...”**, деган сўзига ўхшайди. Бунда қачон намозга туришни ирода қилсанглар”, деган маънони тушунилади.

Ҳофиз ибн Ҳажар роҳимаҳуллоҳ “Фатҳул Борий”да шундай дейди: “Уламолар икки ривоятнинг ўртасини жамлаб, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **“Қачон имом “Омин” деса...”**, деган сўзларини мажозга ҳамл қилишади”.

Суютий роҳимаҳуллоҳ “Танвир”да шундай дейди: “Жумҳур кейинги сўзни олган, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **“Қачон имом “Омин” деса...”**, деган сўзларини эса таъвил қилишган. Яъни бу сўздан мурод, қачон имом “Омин”ни қасд қилса, у билан унга эргашувчиларнинг “Омин”и бирга бўлади. Чунки “Омин”лар бир-бирига яқин бўлиши мустаҳабдир”.

Бу имомнинг “Омин”ни жаҳрий айтмаслигига далолат қилади. Бизнинг наздимизда махфий қилиш ҳадиси қувватлидир. Чунки “Омин” дуо бўлиб, дуонинг асли махфийликдир. Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

**...ةٌ فِيْ فَحْوٍ وَّ اَعْرَضَتْ مُكَبَّرًا اَوْ غَدَا**

**“Роббингизга тазарруъ қилган ва махфий ҳолда дуо қилинг”.**  
(Аъроф-55)

Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ ҳам Ато разияллоҳу анҳунинг: “Омин” дуодир”, деганини келтирган.

«ةٌ فِيْ فَحْوٍ وَّ اَعْرَضَتْ مُكَبَّرًا اَوْ غَدَا»

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Ичида қилинган дуо ташида қилинган дуонинг етмиштасига тенг келади”**, дедилар. Бунинг санади саҳиҳдир.

Ибн Ҳиббон ўзининг “Саҳиҳ”ида марфуъ ҳолда ривоят қилади:

**“Дуонинг яхшиси махфийсидир”.**

Яна шунингдек “Омин”ни айтиш таъаввузни айтишдан устун турмайди. Чунки таъаввузни айтишга Аллоҳ таолонинг Ўзи буюрган:

**مِ يَحْرُلَانِ اَطِيَّ شَلَانِ مَلَلِ اَبْدَعَتْ سَافَانِ اَرْقُولِ اَتَارِقِ اَذِفِ**

**“Қачон Қуръон ўқисанг, шайтонир рожиймдан Аллоҳнинг паноҳини сўра”.** Наҳл-98.

Шундай бўлсада Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таъаввузни жаҳрий айтганлари собит бўлмаган. Демак “Омин”ни жаҳрий айтмаслик ундан кўра маъқулроқ бўлади. Чунки “Омин” лафзи Қуръони каримда йўқ. Уни Фотиҳа билан ундан кейинги сура орасида жаҳрий қилиб айтиш қиёсга хилофдир. Зотан бунда “Омин”ни Қуръондан деб тушуниб қолиш эҳтимоли бор. Қиёсга мувофиқ бўлгани учун ҳам биз “Омин”ни махфий айтиш борасидаги ҳадисни жаҳрий айтиш ҳадисидан кучлироқ ҳисоблаймиз. Саҳобалар ва тобеъинларнинг аксарлари “Омин”ни махфий айтишарди. Табарий айтади: “Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан, Наҳайй, Шофеъий, Иброҳим Таймий роҳимаҳумуллоҳлардан ривоят қилинганишича, улар “Омин”ни махфий айтишар эди”.

Мулоҳаза:

“Омин”ни жаҳрий ва махфий айтиш борасидаги ҳадислар саҳиҳдир. Унинг иккисига ҳам уламоларнинг жамоалари амал қилишган. Лекин саҳобалар ва тобеъин розияллоҳу анҳумларнинг аксари уни махфий айтишган. Бизнинг махфий айтишни устун қўйишимизнинг сабабларидан яна бири шудир.

نُبِيٌّ لَعَنَ اَنْرَبْخَا دَاذَعَبِبُ لِدَعْلَا اَنْرَشْبِ نُبِيٍّ لَلَا دَبَعِ نُبِيٍّ دَمْحُمُ نُبِيٌّ لَعَنَ اَنْرَبْخَا  
مِيَهَارِبَا نُبِيٌّ قَاخْسَا اَنْتَدَحْلَا اَصْبِ نُبِيٍّ اَنْمَثْعُ نُبِيٌّ يَحْيَا اَنْتَدَحْ يَرْصَمْلَا دَمْحُمُ  
لَاقِي دِي بَزَلَا نَعْمَلَا سُنُبِيٍّ لَلَا دَبَعِ اَنْتَدَحْ شِرَاخْلَا نُبِيٍّ وُرْمَعِ يَنْرَبْخَا اِي دِي بَزَلَا  
يَلَصْ- لَلَا لُؤْسَرَرَا نَاكْ: لَقَا قَاةَ رِي رُهْ اَبَا نَا دِي عَسَا وَاةَ مَلَسِ يَبَا نَعِي رِي رِي بَزَلَا يَنْرَبْخَا  
نِي مَا: لَقَا قَاةَ وَاةَ وَاةَ فَرَا نَا رُقُلَا مَلَاةَ اَرْقَا نَمَا عَرَفَا اِي مَلَسَا وَاةَ يَلَعِ لَلَا

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилиб: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон “Уммул Куръон”ни қироатидан бўшасалар, овозларини кўтариб: **“Омин”** дердилар”, деган”.

Бу ҳадисни Дороқутний ва Ҳоким ривоят қилган. Дороқутний ҳадиснинг санадини ҳасан деган. Ҳоким икки шайхнинг шартига кўра саҳиҳ деган. Байҳақий ҳасан саҳиҳ деган.

Ҳадиснинг санадида Яҳё ибн Усмон бор. Ибн Абу Ҳотим айтади: “Муҳаддислар бу хусусда гап қилишган”. “Ал-Жавҳарун Нақий” 1/132. Заҳабий “Кошиф”ида айтади: “Уни инкор қиладиган нарсалар бор. Унинг шайхи Исҳоқ Зубайдийдир. Абу Довуд уни: “Ҳеч нарса эмас”, деган. Насайй эса: “Сиқа эмас”, деган. Ҳимснинг муҳаддиси Муҳаммад ибн Авф Тоий уни: “Ёлғончи”, деган.

Ҳадиснинг санадида яна Исҳоқ ибн Иброҳим Алоъ Зубайдий ибн Зибриқ бўлиб, икки шайх ўзининг “Саҳиҳ”ида ва тўртта “Сунан” эгалари ҳам ўз “Сунан”ларида ундан ҳадис келтиришмаган. Насайй ва Абу Довуд уни заиф дейишган. Ҳимс муҳаддиси Муҳаммад ибн Авф Тоий уни ёлғончи деган.

Ожуррий Абу Довуддан ривоят қилади. Муҳаммад ибн Авн шундай деди: “Исҳоқ ибн Зибриқнинг ёлғончи эканлигига шак қилмайман”. Таҳзибут Таҳзиб, 1/216.

→ Жаҳрий айтишни қувватловчилар яна шундай дейишади:

Ибн Можа ва Ибн Жарирлар ривоят қилишиб саҳиҳ дейишган қуйидаги ҳадис ҳақида:

لَا أَقُولُ الضَّلَاةَ (وَالْوَلَاةَ) إِذَا مَلَ سَوْهُ يَلْعَلُ لِي لَصَّيْبُ لَنَا نَاكَ : لَأَقُولُ يَلْعَلُ نَعْنَعُ  
هُوَ وَصَّوْهُ فَرِي نِي مَأْ

Ибн Шоҳин Алий розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон: **“Валазддоооллийн”**, десалар: **“Аамийн”**, дердилар ва бунда овозларини кўтарардилар”.

Шунингдек “Канзул Уммол” да ҳам келтирилган. 4/210.

يَبْأُنْبَا أَنْ تَدَّحْنَ حَمْلًا دَبَّعُ نُبُّ دَيْمُحَ أَنْ تَدَّحْنَ بَيْ شَيْبَ أُنْبُ رُكَبُ وَبَا أَنْ تَدَّحْنَ  
هَلْ لَوْ سُرُّتْ عَمَّسَ : لَأَقُولُ يَلْعَلُ نَعْنَعُ دَعْنُ بَيْ حُجَّحُ نَعْنَعُ لَيْ هُكْ نُبُّ عَمَّ لَسْ نَعْنَعُ لَيْ لَيْ  
هُوَ وَصَّوْهُ فَرِي نِي مَأْ : لَأَقُولُ إِذَا مَلَ سَوْهُ يَلْعَلُ لِي لَصَّ

Бизга Абу Бакр ибн Абу Шайба айтиб берди, бизга Хумаид ибн Абдуррахмон айтиб берди, бизга Ибн Абу Лайло айтиб берди. У Салама ибн Куҳайлдан, у Хужайя ибн Адийдан, у эса Алий розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қачон: **“Валазддоооллийн”**, десалар: **“Аамийн”**, деганларини эшитдим”. Ибн Можа ривояти 1/62.

Бунга шундай жавоб берамиз:

Ҳадисда “бунда овозларини кўтарардилар”, деган жумла йўқ. Эшитишнинг ўзи жаҳрий айтилганига далолат қила олмайди. Чунки одатда яқин турган киши махфий айтилган калимани ҳам эшитиши мумкин. Баъзи ровийлар икки тушунчанинг ўртасини ажратмасдан Алий розияллоҳу анҳунинг овозни эшитишларини маънони ривоят қилиш деб тушунтиришган. Бу фикрни Алий розияллоҳу анҳунинг ўзлари “Омин”ни махфий айтганлари қувватлайди.

Имомга яқин турган ёки унинг ёнида турган иқтидо қилувчи имомнинг махфий ўқиган нарсаларини эшитиши мумкин. Шу билан бирга буни жаҳрий дейилмайди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларга пешин намозини ўқиб берганларида баъзан Фотиҳадан кейинги суранинг бир ёки икки оятларини эшиттириб қўярдилар. Маълумки, махфийликнинг энг ками ўзи ва ўзига яқин турган кишининг эшитишидир. Агар бир ёки

икки киши эшитса у жаҳрий бўлавермайди. Бизнинг наздимизда бу борадаги барча ҳадислар “Омин”ни таълими учун айтилганига ёки ровийнинг баъзилар эшитганини мутлақ қилиб ривоят қилганига ҳам қилинади.

→ Жаҳрий айтишни қувватловчилар яна шундай дейишади:

Имом Термизий Воил ибн Хужр розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадис ҳақида:

أَلَا قِيْلَ دَعَا نَبِيَّكُمْ رَجُلًا دَبَّ عَنِّي عَسَى نُبِيَّي حَيَّي أَنْ تَدَّحِ رَأْسَ بِنْبِ دَمْحُمُ رَأْدُنْبِ أَنْ تَدَّحِ  
أَلَا قِيْلَ حُنْبُ لِي أَوْ عَنِّي سَبَّ عَنِّي نُبِيَّ رَجْحُ عَنِّي لِي هُكْ نُبِيَّ عَمَلَسَ نَعْنُ نَأْيُ فُسْ أَنْ تَدَّحِ  
نَبِيَّ لِي أَلَا وَهِيَ لَعَلَّ بَوَضْعُ لِمَالِ رِيْعِ أَرْقِ مَلَسَ وَهِيَ لَعَلَّ لِي لَصَّيْبِ لِي أَلَا تَعْمَسُ  
هُتَّ وَصَ أَوْ بَدَمَّ وَنَبِيَّ لِي أَلَا قَفُ

Воил ибн Хужр розияллоҳу анҳу айтади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Ғойрил мағздууби алайҳим ва лазддооооолийн”**,ни ўқиб: **“Аамийн”**, деганларини эшитдим. Бунда овозларини чўздилар”. 1/34.

Бунга шундай жавоб берамиз:

Ушбу ҳадис Суфённинг ҳадисидир. Шуъбанинг ҳадисидаги: “Бунда овозларини паст қилардилар”, деган лафз Суфённинг ҳадисига келиб қолади. Шуъба ҳадис ривоят қилиш жиҳатидан Суфёндан яхшироқдир. Шуъбанинг замонида ҳадис борасида унга ўхшагани, ҳадис ривоят қилишда ундан яхшиси бўлмаган. Бу фазилат унга насиб қилган. Муҳаммад ибн Аббос Насайй айтади: “Абу Абдуллоҳдан: “Ким собитроқ, Шуъбами ёки Суфёнми?” деб сўрадим. У: “Суфён ҳофиз ва солиҳ киши, Шуъба эса ундан кўра собитроқ ва рижолларнинг энг тозасидир”, деди.

Абдуллоҳ ибн Аҳмад отасидан ривоят қилиб айтади: “Шуъба бу борада яъни рижоллар орасида ўзи ёлғиз умматдир, унинг ҳадисни кўриши, собит қилиши ва (ҳадисни турли номаъқул сифатлардан) тозалаши рижолларнинг фойдасигадир”.

Ҳаммод ибн Зайд айтади: “Менга агар Шуъба мувофиқ келса, хилоф қилганларга парво қилмайман. Агар менинг ҳадисимга Шуъба хилоф қилса ўша ҳадисни тарк қилдим”.

Абу Довудга: “У ҳадис ривоят қилиш жиҳатидан Суфёндан яхшироқми?” дейилди. Абу Довуд: “Дунёда озлиги жиҳатдан Шуъба ва Моликдан кўра ҳадис ривоят қилишда яхшироғи йўқдир”, деган.

→ Жаҳрий айтишни қувватловчилар яна шундай дейишади:

Яна Ибн Можанинг Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси ҳақида:

يَبْأُ نَع **عَفَارِ نَبِ رَشِبِ** انْثَدَحِ سِي عِ نَبِ نَاوْفِصِ انْثَدَحِ رَاشِبِ نَبِ دَمْحَمِ انْثَدَحِ لَوْسَرِ نَاكُو نِيْمَاتِلَا سَانَلَا كَرْتِ لَاقِ قَرِيْرَهْ يَبْأُ نَعِ قَرِيْرَهْ يَبْأُ مَعِ نَبَا هَلَلَا دَبْعِ لَاقِ ( نِيْلَاضَلَا لَو مَهِيْلَعِ بَوْضَغَمَلَا رِي غ ) لَاقِ اِذَا مَلَسُو هِيْلَعِ هَلَلَا يَلِصْ هَلَلَا دَجْسَمَلَا اَهَبِ جَتْرِيْفِ لَوَالَا فَصَلَا لَهْ اَهْ عَمْسِي يَتَحِ نِيْمِآ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу айтади: “Одамлар “Омин”ни тарк қилишди. Ваҳоланки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон **“Ғойрил мағздууби алайҳим ва лазддооооллийн”**ни айтсалар: **“Аамийн”**, дердилар. Ҳатто биринчи саф аҳли уни эшитар, у билан масжид ларзага келарди”. 1/62.

Бунга шундай жавоб берамиз:

Бу ҳадиснинг санадида ҳам матнида ҳам муаммо бор. Унинг санадида **Бишр ибн Рофеъ** бўлиб, Бухорий: “Унинг ҳадисига эргашилмайди”, деган.

Аҳмад уни: “Заиф”, деган.

Ибн Маъийн: “Мункар ҳадисларни айтган”, деган.

Насайй уни: “Кучли эмас”, деган.

Ибн Ҳиббон: “Бир неча мавзу нарсаларни худди уларга суюнгандек ривоят қилади”, деган. “Мезон”, 1/147.

Ҳофиз “Таҳзибут Таҳзиб”да айтади: “Ибн Абдулбарр “Куний”да: “Улар наздида у заиф ва мункарул ҳадисдир”, деган.

“Инсоф” китобида шундай дейди: “Муҳаддислар унинг ҳадисини инкор қилишда иттифоқ қилишган, у ривоят қилган нарсани ташлашган ва ундан ҳужжат олишни тарк қилишган. Ҳадис уламолари бу борада ихтилоф



қилилмаган. Ибн Ҳиббон айтади: “У Яҳё ибн Абу Касирдан бир нечта мавзу бузуқ ривоятларни келтирган. Буни ҳадис илмидан ўта хабардор бўлмаган кишилар ҳам била олади. Яна у худди уларга суюнгандек ривоят қилади”. 1/449.

Ҳадиснинг матнига келсак: “У билан масжид ларзага келарди”, деган матн: “Ҳатто биринчи саф аҳли уни эшитар эди”, деган жумлага ҳилофдир. Чунки масжид ларзага келадиган даражада овоз бўлса, уни фақат биринчи сафдагилар эшитмас эди. Маълумки бу ҳадисни Абу Довуд Бишр ибн Рофеънинг йўлидан: “У билан масжид ларзага келарди”, жумласисиз ривоят қилган. Унинг лафзида шундай дейди: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон: **“Ғойил мағздууби алайҳим ва лазздооооолийн”**ни тиловат қилсалар: **“Аамийн”**, дердилар. Ҳатто биринчи сафда у зотга яқин турган киши уни эшитарди”. 1/352. Авнул Маъбуд.

→ Жаҳрий айтишни қувватловчилар яна шундай дейишади:

Исҳоқ ибн Роҳавайҳ ўзининг “Муснад”ида ривоят қилган ҳадисга келсак:

يَبَاؤْنَعُ ، مِنْ سُمَّ نَبِيِّ عَمَامَةَ ، رَوَى أَلَا نُوْرَاهُ نَعُ ، لِيَمْشِ نُبْرُضْنَ لَنَا أَنْ تَدَّحِ  
هِيَ لَعَلَّ لِي صَيِّبْنَا فَخَلَّصْنَا ، وَمُؤْمِنًا ، نُنِّيْ صُحْلًا مُنْبَاؤْنَا ، قَاخُ سَا  
نِيْمْ : لِقَاقِ نِيْلْ أَضَلَّ الْوَأَرْقُ الْمَلْفَ ، نِيْ دِلًا مَوْيَدِي كِلَامًا : لِقَاقِيْ وَهُوَ هَتَعَ مَسْفَ ، مَلْسُو  
ءَاَسْ نَلْفَ صَيْفِيْ وَهُوَ هَتَعَ مَسْفِيْ تَحَ ،

Бизга Назр ибн Шамил айтиб берди, у Ҳорун Аъвардан, у **Исмоил ибн Муслимдан**, у Абу Исҳоқдан, у Ибн Умму Ҳусойндан, у эса онасидан ривоят қилишича, онаси Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ортларида намоз ўқиганда, у зотнинг: **“Маалики явмиддин”**, деяётганларини эшитган экан. У зот: **“Ва лазздооооолийн”**ни қироат қилгач: **“Аамийн”**, деган эканлар ҳатто у аёллар сафида туриб уни эшитган экан”. Зайлаъий, 1/196.

Бунга шундай жавоб берамиз:

Ҳадис ровийлари орасида **Исмоил ибн Муслим Маккий** бор. У заифдир.

Аҳмад айтади: “У мункарул ҳадисдир”.

Насайй айтади: “У матрукдир”.

Ибн Мадиний айтади: “Яҳёдан эшитдим, ундан Исмоил ибн Муслим Маккий тўғрисида сўралганда: “У доим чалкаштиради, бизга бир ҳадисни уч хил қилиб айтиб беради”, деди.

Ибн Маъийн айтади: “Исмоил ибн Муслим Маккий ҳеч нарса эмасдир”.

Алий ибн Мадиний айтади: “Унинг ҳадиси ёзилмайди”.

Саъдий айтади: “Ниҳоятда бўшдир”. “Мезон” 1/115.

→ Жаҳрий айтишни қувватловчилар яна шундай дейишади:

Бухорийнинг Атодан ривоят қилган таълиқи ҳақида:

مأرثأىلعنمؤيرىبزلانبنانأهلتلقللقاطعنعجىرنبنعقازرلادبع  
ةجللدجسمللنإىتحنءارونمنمؤيومعنلقنأرقلل

Абдурраззоқ Ибн Журайждан, у эса Атодан ривоят қилади. Ато айтади: “Унга: “Ибн Зубайр “Уммул Қуръон”нинг изидан “Омин”ни айтармиди?” дедим. У: “Ҳа, унинг ортидан “Омин”ни айтарди, ҳатто масжид ларзага келарди”, деди”. Фатҳул Борий 2/262. “Имом “Омин”ни жаҳрий айтиши” боби.

نُبُّ دَمْحُمُ : زَكَبَ وَبَأَانَ رَبَّحًا ۱ نَالَ دَيِّصًا لِرِي زَعْلًا دَبَعُ نُبُّ عَزَمَحُ : ۱ لَعِي وَبَأَانَ رَبَّحًا أَوْ  
نُبُّ نَسْحًا لَانُبُّ ۱ لَعِي ۱ أَنْتَدَحُ ۱ زَوْرَمًا لِرُوصُنْمُ ۱ نُبُّ دَمْحًا ۱ أَنْتَدَحُ ۱ نَاطِقًا لَانُبُّ سَحْلًا  
تُكْرَدًا : ۱ لَقِ ۱ عَطَعُ ۱ نَعَبُ ۱ بُوَيْ ۱ بَأَانَ ۱ نَبِّ ۱ دِلَ ۱ أَخْ ۱ نَعَفِرَطْمُ ۱ نَعَزَمَحُ ۱ وَبَأَانَ رَبَّحًا ۱ قِي ۱ قِش  
مَامًا لَلِ ۱ لَقِ ۱ إِذِ ۱ دَجَسَمًا ۱ آدَه ۱ ف- ۱ مَلَسُو ۱ هِلَع ۱ هِلَل ۱ لَصِي ۱ بَل ۱ لَبَأَخْ ۱ صَأْ ۱ نَم ۱ نَبِي ۱ تَائِم  
نِي ۱ مَبَّ ۱ عَجْرُ ۱ مَهَلُ ۱ تَعَمَسُ ۱ نِي ۱ لَاضِل ۱ لَو ۱ مَهِي ۱ لَع ۱ ب ۱ وَضَعُ ۱ مَل ۱ رِي ۱ غ

Байҳақий Атодан бошқа важҳда ривоят қилган. Ато айтади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан икки юзтасини ушбу масжидда топдим. Имом қачон **“ғойрил мағздууби алайҳим ва ладдооооллийн”**, деса, уларнинг гулдуроз “Омин”ини эшидим”.

Бу таълиққа қуйидаги жавобни берамиз:

Бу таълиқдаги саҳобаларнинг амаллари бошқа бир қанча саҳобаларнинг амаллари ва сўзларига қарши турар экан уни ҳужжат қилиб бўлмайди. Юқорида Умар, Алий ва Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳумларнинг “Омин”ни махфий айтганлари борасидаги далилни келтириб ўтдик. Булар ўртак учун кифоя қилади. Табарийнинг зикр қилишича: “Саҳоба ва тобеъин розияллоҳу анҳумларнинг аксари “Омин”ни махфий айтишарди”.

## **Хулоса:**

“Омин”ни махфий айтиш юқорида ўтган тафсилотларга кўра ҳукмнинг аслидир. Бунинг хилофига далил келмагунча уни тарк қилинмайди. Жаҳрий қилиш тўғрисидаги барча ривоятлар умумни эмас, балки феълларнинг ҳикояси ҳисобланади. Турли эҳтимоллари мавжуд бўлган далиллар “Омин”ни махфий айтиш далилига қарши ҳужжат бўла олмайди. Шу билан бирга у далилларнинг аксаридида кўриб ўтганимиздек жарҳ бор. Улардан саҳиҳлари очиқ-ойдин эмас, очиқ-ойдинлари эса саҳиҳ эмас. Саҳобалардан ворид бўлган асарлар ихтилофли бўлиб, шунга кўра бизнинг наздимизда далилнинг кучлироғи асл борасидаги далиллар ҳисобланади. Асл эса юқорида айтганимиздек “Омин”ни махфий айтишдир. Валлоҳу таоло Аълам!

Мана азизлар! Бир масаладаги Ислом уламоларимизнинг тадқиқотлари ва уларнинг кенг уфқли дунёқарашлари! Мазҳаблар ўз асосларини оят ва ҳадисга, ижмоъ ҳамда қиёсга кўра келтирадилар. Қарши тарафнинг далилларини ҳам тинглайдилар, уларга ҳам ҳақ берадилар. Шу билан бирга ўзларининг наздида кучли ҳисобланган далилга кўра амал қилишни таъкидлайдилар. Юқоридаги калта фаҳмлар каби бир далилни мантиққа қориштириб, чиққан натижа асоссиз равишда амал қилиб кетавермайдилар. Шундай экан жоҳилларнинг, биз оят ва ҳадисдан тўғридан тўғри оламиз, деган гаплари илмий асосга суюнмаган бўлади. Улар ялтироқ шиор билан аслида ҳавои нафсларига эргашаётганлардир. Уларнинг сафсаталарига учмаслик, ёлғон шиорларига алданмаслик лозим!

Салоту саломларимиз Ҳабиби Муҳтарамга бўлсин!

Аброр Мухтор Алий

Ҳижрий 1436 17 рамазон.